

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1494-ҳадис**

1494 - وَعَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «اللَّهُمَّ إِنِّي
أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْعَجْزِ وَالْكَسَلِ، وَالْجُبْنِ وَالْهَرَمِ وَالْبُخْلِ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ
فِتْنَةِ الْمَحْيَا وَالْمَمَاتِ».

وَفِي رِوَايَةٍ: «وَضَلَعِ الدِّينِ وَغَلَبَةِ الرِّجَالِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2706].

1494. Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳумма инний аъзузу бика минал ғажзи вал касали вал жубни вал ҳарами вал бухли ва аъзузу бика мин ғазобил қабри ва аъзузу бика мин фитнатил маҳя вал мамоти».

Бошқа ривоятда: «Ва залаъид дайни ва ғалабатир рижал», деб айтардилар.

* Маъноси: Аллоҳим, Сенинг номинг билан ожизликдан, дангасаликдан, қўрқоқликдан, мункиллаб қария бўлишдан, бахилликдан, қабр азобидан, тирик ва ўликлар фитнасидан паноҳ тилайман.

Бошқа ривоятда: Қарз юкидан ва кишиларнинг ғолиб келишидан (паноҳ тилайман).

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намоздан кейин

қўрқоқликдан, бахилликдан, ўлимдан, дунё ва қабр фитналаридан Аллоҳдан паноҳ сўраганларини, намозда ат-тахийётдан кейин жаҳаннам ва қабр азобидан, ҳаёт, ўлим ва дажжолнинг фитнасидан паноҳ сўрашни буюрганларини, шунингдек ялқовликдан, инсонни қийнайдиган қариликдан ва шунингдек жаҳаннам ва қабр азобидан паноҳ сўраб Аллоҳга дуо қилганларини юқоридаги ҳадисларда ўргандик. Бу ерда айтилганларнинг бир қисми билан ожизликдан паноҳ сўраганликларини кўриб турибмиз.

Ожизлик, намоз, рўза, закот каби Аллоҳнинг олдидаги вазифаларни бажаришдаги ожизлик ҳақида сўзланмоқда.

Ялқовлик, куч қуввати бор бўлишига қарамай нафсига бўйин эгиб яхшилик қилмаслик ва Аллоҳга керакли шаклда ибодат қилмасликдир.

Қўрқоқлик, ожизлиги ва жисмини яхши кўрганлиги сабабли нафсига ва шайтонга қарши кела олмасликдир. Бунинг натижасида қуллик вазифаларини бажо қила олмаслик.

Қарилик, инсоннинг ақлий кучининг заифлаши натижасида ёш болага ўхшаб қолиш. Қуръонда ва ҳадисда бу кўринишга «арзалил ъумри» деб айтилган. Инсоннинг ақли расо вақтидаги қарилик ҳеч нарса эмас. Бу ерда келган қарилик, инсоннинг бошқа инсонни қўлига қараб қолиши, уларнинг ёрдамига муҳтож бўлишидир.

Бахиллик, моддий аҳволи яхши эканлигига қарамай қўлидаги имконни Аллоҳнинг йўлида сарфламаслик. Қуръонда бахилликнинг ёмонлиги айтилиб, инсон сарфлаши керак бўлганида сарфламаган нарсалар қиёмат куни бўйнига ўралиши айтилади. (Оли Имрон сураси, 180-оят)

Қабр азобининг фитнасидан ҳам паноҳ тилангани ҳақида сўз юритилади.

Ҳаёт фитнаси инсонни бу ҳаётда ўзи ёки яқинлари туфайли қийналишидир. Шубҳасиз булар бир имтиҳондир. Ҳаёт фитнаси эса, буларга сабрли бўлмай, исён қилишдир. Аллоҳ таолонинг омонати бўлган ҳаётни тўғри фойдаланмаслик ва кераксиз нарсаларга сарфлаш ҳаёт фитнасидир.

Ўлим фитнаси, инсоннинг бу дунёга кўз юмишидан олдин шайтоннинг уни иймонидан қайтиш учун таёрлаб қўйган фитнасидир. Мункар ва накир фаришталарининг қабрдаги имтиҳонлари ҳам ўлим фитнасига киради. Бу имтиҳондан Аллоҳнинг изни билан ўтганлар теккисликка чиқади. Ўтмаганларни қабр азоби билан бошланган оғир йўл кутади.

Қарз юки, инсонни катта миқдорда қарзга ботиб ундан қутилиш учун етарли маблағининг йўқлиги. Бундай вақтда қарз берган кишига жавоб бериш жуда катта мусибатдир. Пайғамбаримиз бизларга катта қарздан паноҳ тилаб, дуо қилишимизни ўргатмоқдалар.

Золимларнинг бошқаруви, ёмон идора этувчиларнинг ҳалқга зулм қилишидир. Пайғамбаримиз бу ҳолатга «ғалабатур рижал» деб айтганлар.

Манба: hadis.islom.uz

